


TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
**AHBOROTNOMASI**



**ВЕСТНИК**

ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент



*Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе*

*редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии*

*Начальник отдела: М. Н. Аслонов*

*Редактор русского текста: О.А. Козлова*

*Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева*

*Редактор английского текста: А.Х. Жураев*

*Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева*

*Учредитель: Ташкентская медицинская академия*

*Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации*

*Регистрационное свидетельство 02-00128*

*Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013года*

*реестром ВАК в раздел медицинских наук*

*Рукописи, оформленные в соответствии с прилагаемыми правилами, просим направлять*

*по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,*

*Главный учебный корпус ТМА,*

*4-й этаж, комната 444.*

*Контактный телефон: 214 90 64*

*e-mail: rio-tma@mail.ru*

*rio@tma.uz*

*Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.*

*Гарнитура «Cambria»*

*Тираж 150.*

*Цена договорная.*

*Отпечатано на ризографе редакционно-издательского отдела ТМА.*

*100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.*

*Herald TMA №6, 2024*

## **РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**

**Главный редактор**

проф. А.К. Шадманов

**Заместитель главного редактора**

проф. О.Р.Тешаев

**Ответственный секретарь**

проф. Ф.Х.Иноятова

## **ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ**

акад. Аляви А.Л. проф. Билалов

Э.Н.проф. Гадаев А.Г.

проф. Жае Вук Чои (Корея)акад. Каримов Ш.И.

проф. Татьяна Силина (Украина)акад. Курбанов

Р.Д.

проф. Людмила Зуева (Россия)проф. Метин

Онерчи (Турция) проф. Ми Юн (Корея)

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.проф. Саломова

Ф.И.

проф. Саша Трескач (Германия)проф. Шайхова Г.И.

**Члены редакционного совета** проф.

Акилов Ф.О. (Ташкент) проф. Алпаева М.Д.

(Ташкент) проф. Хамдамов Б.З. (Бухара) проф.

Ирискулов Б.У. (Ташкент) проф. Каримов М.Ш.

(Ташкент) проф. Маматкулов Б.М. (Ташкент)проф.

Охунов А.О. (Ташкент) проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)проф. Хамраев А.А.

(Ташкент) проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

---

*Herald TMA №6, 2024*

**EDITORIAL BOARD**

**Editor in chief**

prof. A.K. Shadmanov

**Deputy Chief Editor**

prof. O.R. Teshayev

**Responsible secretary**

prof. F.Kh. Inoyatova

**EDITORIAL TEAM**

academician Alyavi A.L.

prof. Bilalov E.N.

prof. Gadaev A.G.

prof. Jae Wook Choi (Korea)

academician Karimov Sh.I.

prof. Tatyana Silina (Ukraine)

academician Kurbanov R.D. prof. Lyudmila Zueva (Russia)

prof. Metin Onerc (Turkey)

prof. Mee Yeun (Korea)

prof. Najmutdinova D.K.

prof. Salomova F.I.

prof. Sascha Treskatch (Germany)

prof. Shaykhova G.I.

**EDITORIAL COUNCIL**

DSc. Abdullaeva R.M.

prof. Akilov F.O. (Tashkent)

prof. Allaeva M.D. (Tashkent)

prof. Khamdamov B.Z. (Bukhara)

prof. Iriskulov B.U. (Tashkent)

prof. Karimov M.Sh. (Tashkent)

prof. Mamatkulov B.M. (Tashkent)

prof. Okhunov A.A. (Tashkent)

prof. Parpieva N.N. (Tashkent)

prof. Rakhimbaeva G.S. (Tashkent)

prof. Khamraev A.A. (Tashkent)

prof. Kholmatova B.T. (Tashkent)

prof. Shagazatova B.X. (Tashkent)

*Journal edited and printed in the computer of Tashkent  
Medical Academy editorial department*

*Editorial board of Tashkent Medical Academy*

*Head of the department: M.N. Aslonov*

*Russian language editor: O.A. Kozlova*

*Uzbek language editor: M.G. Fayzieva*

*English language editor: A.X. Juraev*

*Corrector: Z.T. Alyusheva*

*Organizer: Tashkent Medical Academy*

*Publication registered in editorial and information  
department of Tashkent city*

*Registered certificate 02-00128*

*Journal approved and numbered under the order 201/3 from 30 of  
December 2013 in Medical Sciences department of SUPREME ATTESTATION*

*COMMISSION*

*COMPLETED MANUSCRIPTS PLEASE SEND following address:*

*2-Farobiy street, 4 floor room 444. Administration building of TMA.  
Tashkent. 100109, Toshkent, ul. Farobi, 2, TMA bosh o'quv binosi, 4-qavat,  
444-xona.*

*Contact number: 71- 214 90 64*

*e-mail: rio-tma@mail.ru. rio@tma.uz*

*Format 60x84 1/8. Usl. printer. I. 9.75.*

*Listening means «Cambria».*

*Circulation 150.*

*Negotiable price*

*Printed in TMA editorial and publisher department risograph*

*2 Farobiy street, Tashkent, 100109.*

СОДЕРЖАНИЕ	CONTENT	
НОВЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ	NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES	
Каримова Н.С., Каримов Ж.И. ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРИМЕНЕНИЯ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДЛЯ МОНИТОРИНГА УСПЕВАЕМОСТИ ДОКТОРАНТОВ В РСНПМЦОИР	Karimova N.S., Karimov J.I. EFFICIENCY OF APPLICATION OF SOFTWARE FOR MONITORING PROGRESS OF DOCTORS AT THE SIRSSPMCO AND R	8
Юсубалиев У.А., Саипова Н.С., Сафаров Х.Х., Тохтаев Г.Ш. НЕВЕРБАЛЬНАЯ КОММУНИКАЦИЯ В ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ПРОЦЕССЕ	Yusubaliev U.A., Saipova N.S., Safarov Kh.Kh., Tokhtaev G.Sh. NONVERBAL COMMUNICATION IN THE PEDAGOGICAL PROCESS	16
ОБЗОРЫ	REVIEWS	
Бекматова Ш.К. МЕТАБОЛИЧЕСКИЙ СИНДРОМ	Bekmatova Sh.K. METABOLIC SYNDROME	18
Кудияров И.А., Мадреймов А.М., Ёдгорова Н.Т., Орынбаева З.Н. ЎТКИР ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ-НИНГ ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРИ	Kudiyarov I.A., Madreimov A.M., Yodgorova N.T., Orynbaeva Z.N. MEDICAL AND SOCIAL PROBLEMS OF ACUTE INTESTINAL INFECTIONS	24
Куранбаева С.Б., Адилбекова Д.Б. АЁЛЛАР РЕПРОДУКТИВ АЪЗОЛАРИ ПОСТНАТАЛ МОРФОГЕНЗИ: МУАММОГА ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР	Kuranbaeva S.B., Adilbekova D.B. POSTNATAL MORPHOGENESIS OF FEMALE REPRODUCTIVE ORGANS: A MODERN VIEW OF THE PROBLEM	28
Мухамедова Н.Х. БУЙРАК НЕФРОСКЛЕРОЗИ МАРКЕРЛАРИ	Mukhamedova N.Kh. MARKERS OF KIDNEY NEPHROSCLEROSIS	32
Нишанова Ю.Х., Журавлев И.И., Ходжамова Г.А., Алишерова М.Н. РОЛЬ МРТ В ДИАГНОСТИКЕ ОБЪЁМНЫХ ОБРАЗОВАНИЙ ГОЛОВНОГО МОЗГА	Nishanova Y.Kh., Zhuravlev I.I., Khodzhamova G.A., Alisherova M.N. MAGNETIC RESONANCE IMAGING IN THE DIAGNOSIS OF BRAIN TUMORS	36
Рузикулов М.М., Кариев Г.М., Ташматов Ш.Н., Хазраткулов Р.Б. СОВРЕМЕННЫЕ ПРИНЦИПЫ РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИИ В ЛЕЧЕНИИ ГИГАНТСКИХ ИНТРАКРАНИАЛЬНЫХ АНЕУРИЗМ	Ruzikulov M.M., Kariev G.M., Tashmatov Sh.N., Hazratkulov R.B. MODERN PRINCIPLES OF REVASCULARIZATION IN THE TREATMENT OF GIANT INTRACRANIAL ANEURYSMS	43
Samadova X.S. O'SMIR BOLALARNING JISMONIY RIVOJLANISHI HAQIDAGI ZAMONAVIY G'OYALAR	Samadova Kh.S. MODERN IDEAS ABOUT THE PHYSICAL DEVELOPMENT OF ADOLESCENT CHILDREN	47
Сапаев Д.Ш., Садиков Р.А., Рузибаев Р.Ю., Якубов Ф.Р., Хайитбоева К.Х. ЭПИДЕМИОЛОГИЯ И ПРОФИЛАКТИКА ФОРМИРОВАНИЯ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННЫХ ГРЫЖ ПЕРЕДНЕЙ БРЮШНОЙ СТЕНКИ	Sapaev D.Sh., Sadikov R.A., Ruzibaev R.Yu., Yakubov F.R., Khayitboeva K.Kh. EPIDEMIOLOGY AND PREVENTION OF THE FORMATION OF POSTOPERATIVE HERNIAS OF THE ANTERIOR ABDOMINAL WALL	50
Туйчиев Л.Н., Худайкулова Г.К., Максудова З.С., Ташпулатова Ш.А., Абидов А.Б. ДИАГНОСТИКА БОТУЛИЗМА	Tuychiev L.N., Khudaikulova G.K., Maksudova Z.S., Tashpulatova S.A., Abidov A.B. DIAGNOSIS OF BOTULISM	54
Халиков С.П., Хусинов Д.О., Якубов О.Э. ХИРУРГИЯ ПАХОВЫХ ГРЫЖ: СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ	Khalikov S.P., Khusinov D.O., Yakubov O.E. SURGERY OF INGUINAL HERNIAS: CURRENT TRENDS AND PROSPECTS	59
Hikmatov J.S., Khamdamov B.Z. PATHOGENESIS, CLINICAL PICTURE, DIAGNOSIS AND TREATMENT OF BRONCHIECTASIS	Hikmatov J.S., Xamdamov B.Z. BRONXOEKTAZ KASALLIGI PATOGENEZI, KLINIKASI, TEKSHIRISH VA DAVOLASH	64
Ergashov A.T., Mukhamedova N.H., Tojmuradov X.A. O'PKANING O'TKIR RESPERATOR KASALLIKLARIDA GEMOSTAZ TIZIMINING BUZILISHI	Ergashov A.T., Mukhamedova N.H., Tadjimuradov Kh.A. DISORDERS OF THE HEMOSTASIS SYSTEM IN ACUTE RESPIRATORY DISEASES.	69
Юлдашев М.Э. ПРОФИЛАКТИКА И ЛЕЧЕНИЕ ДО- И ПОСЛЕОПЕРАЦИОННЫХ ОСЛОЖНЕНИЙ ДИАФРАГМАЛЬНЫХ ГРЫЖ У ДЕТЕЙ	Yuldashev M.E. PREVENTION AND TREATMENT OF PRE- AND POSTOPERATIVE COMPLICATIONS OF DIAPHRAGMATIC HERNIA IN CHILDREN	72

ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ МЕДИЦИНА	EXPERIMENTAL MEDICINE	
<i>Инагамова М.Х., Баймаков С.Р. ТЎҒРИ ИЧАК ВА АНАЛ КАНАЛ КОЛОПРОКТОЛОГИК-АНАТОМИК ТУЗИЛИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ</i>	<i>Inagamova M.Kh., Baymakov S.R. FEATURES OF COLOPROCTOLOGICAL-ANATOMICAL STRUCTURE OF THE RECTUM AND ANAL CANAL</i>	80
КЛИНИЧЕСКАЯ МЕДИЦИНА	CLINICAL MEDICINE	
<i>Abdullayeva U.K. YARALI KOLITDA NUTRITIV TERAPIYA QO'LLASH JIHATLARI</i>	<i>Abdullayeva U.K. ASPECTS OF THE USE OF NUTRITIONAL THERAPY FOR ULCERATIVE COLITIS</i>	86
<i>Akhmadaliev U.K. PREVALENCE OF MEAN SYSTOLIC BLOOD PRESSURE LEVELS IN UNORGANIZED POPULATIONS</i>	<i>Ahmadaliyeva U.Q. UYUSHMAGAN AHOLIDA O'RTA SISTOLIK QON BOSIMI DARAJASINI TARQALISHI</i>	90
<i>Akhmedova N.A., Kasimova M.B., Nurmuhammedova N.S., Temirova M.B. DISTURBANCE IN THE COMPOSITION OF THE INTESTINAL MICROFLORA IN THE MECHANISMS OF THE FORMATION OF CLINICAL MANIFESTATIONS IN PATIENTS WITH CHRONIC PANCREATITIS</i>	<i>Axmedova N.A., Kasimova M.B., Nurmuhammedova N.S., Temirova M.B. SURUNKALI PANKREATIT KLINIK KECHISHIGA ICHAK MIKROFLORASI O'ZGARISHINING TA'SIRI</i>	92
<i>Ашурова У.А., Нажмутдинова Д.К., Абдуллаева Л.М., Муминова З.А. ПОЛИМОРФИЗМ ГЕНОВ СИНТАЗЫ ОКСИДА АЗОТА NOS1 И NOS3: ПРОГНОСТИЧЕСКАЯ ЗНАЧИМОСТЬ В ДИАГНОСТИКЕ ПОСЛЕРОДОВЫХ КРОВОТЕЧЕНИЙ И ИХ МЕЖГЕННОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ</i>	<i>Ashurova U.A., Nazhmutdinova D.K., Abdullaeva L.M., Muminova Z.A. POLYMORPHISM OF NITRIC OXIDE SYNTHASE GENES NOS1 AND NOS3: PROGNOSTIC SIGNIFICANCE IN THE DIAGNOSIS OF POSTPARTUM HEMORRHAGE AND THEIR INTERGENIC INTERACTION</i>	95
<i>Валиева М.Ю., Салахиддинов З.С. СОЦИАЛЬНО-МЕДИЦИНСКИЕ ПОВЕДЕНЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ РИСКА АРТЕРИАЛЬНОЙ ГИПЕРТОНИИ СРЕДИ МУЖСКОГО НАСЕЛЕНИЯ Г. АНДИЖАНА</i>	<i>Valieva M.Yu., Salakhiddinov Z.S. SOCIO-MEDICAL BEHAVIORAL RISK FACTORS OF ARTERIAL HYPERTENSION AMONG THE MALE POPULATION OF ANDIJAN</i>	99
<i>Ганиев С.З., Мусабоев А.Н., Каюмова П.М., Бектемирова Н.Т., Абдурахманов З.М. ОПТИМИЗАЦИЯ ОДНОСТОРОННЕЙ СПИНАЛЬНОЙ АНЕСТЕЗИИ ПРИ ПЕРКУТАННЫХ ОПЕРАЦИЯХ НА ПОЧКАХ</i>	<i>Ganiev S.Z., Musabaev A.N., Kayumova P.M., Bektemirova N.T., Abdurakhmanov Z.M. OPTIMIZATION OF UNILATERAL SPINAL ANESTHESIA DURING PERCUTANEOUS KIDNEY SURGERY</i>	102
<i>Гаффарова В.Ф. НОВЫЙ ВЗГЛЯД НА ЭТИОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ФЕБРИЛЬНЫХ СУДОРОГ У ДЕТЕЙ</i>	<i>Gafforova V.F. A NEW LOOK AT THE ETIOLOGICAL FACTORS OF FEBRILE SEIZURES IN CHILDREN</i>	106
<i>Жураев О.У., Курбаниязов З.Б., Сайинаев Ф.К. ОБОСНОВАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ МИНИИНВАЗИВНЫХ МЕТОДОВ КОРРЕКЦИИ ХРОНИЧЕСКОЙ ВЕНОЗНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ НИЖНИХ КОНЕЧНОСТЕЙ</i>	<i>Zhuraev O.U., Kurbaniyazov Z.B., Sayinaev F.K. RATIONALE FOR THE USE OF MINIMALLY INVASIVE METHODS FOR CORRECTING CHRONIC VENOUS INSUFFICIENCY OF THE LOWER EXTREMITIES</i>	110
<i>Индяминов С.И., Бахтиёров Б.Б. ХАРАКТЕР, ОСЛОЖНЕНИЯ И ТЯЖЕСТЬ ПОВРЕЖДЕНИЙ СТРУКТУРЫ ГРУДИ И ЖИВОТА У ВОДИТЕЛЕЙ СОВРЕМЕННЫХ ЛЕГКОВЫХ АВТОМОБИЛЕЙ В МОМЕНТ ДОРОЖНО-ТРАНСПОРТНЫХ ПРОИСШЕСТВИЙ</i>	<i>Indiaminov S.I., Bakhtiyorov B.B. NATURE, SEVERITY AND COMPLICATIONS OF DAMAGE TO THE STRUCTURE OF THE CHEST AND ABDOMEN IN DRIVERS OF MODERN VEHICLES INJURED IN ROAD TRANSPORT ACCIDENTS</i>	114
<i>Каюмова П.М., Мусабоев А.Н. ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННОГО БОЛЕВОГО СИНДРОМА С ПОМОЩЬЮ МЕЖФАЦИАЛЬНОЙ БЛОКАДЫ МЫШЦЫ, ВЫПРЯМЛЯЮЩЕЙ ПОЗВОНОЧНИК</i>	<i>Kayumova P.M., Musabaev A.N. PREVENTION OF POSTOPERATIVE PAIN USING INTERFASCIAL BLOCKADE OF THE ERECTOR SPINAE MUSCLE</i>	120
<i>Лочинов Ф.Н., Бобоназаров С.С. ТОҒЛИ ҲУДУДЛАРДА ТУРЛИ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА ЮЗ БЕРГАН ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШ</i>	<i>Lochinov F.N., Bobonazarov S.S. FORENSIC MEDICAL ASSESSMENT OF MORTALITY CASES FROM VARIOUS FACTORS IN MOUNTAIN AREAS</i>	125
<i>Mahmudov A.R., Mahamadaminova Sh.A. BIR TOMONLAMA OVOZ BOYLAMI PAREZI/FALAJI BO'LGAN BEMORLARDA TASHXISLASHNI MUQOBBILLASHTIRISH</i>	<i>Makhmudov A.R., Mahamadaminova Sh.A. OPTIMIZATION OF DIAGNOSIS IN PATIENTS WITH UNILATERAL VOCAL PARESIS/PALSY</i>	128

Махсумова Д.К. ОЦЕНКА КЛИНИЧЕСКИХ ПРОЯВЛЕНИЙ ВИЧ-ИНФЕКЦИИ У МУЖСКОГО И ЖЕНСКО-ГО НАСЕЛЕНИЯ С ХРОНИЧЕСКИМИ ГАСТРОДУОДЕНАЛЬНЫМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ	Makhsumova D.K. ASSESSMENT OF CLINICAL MANIFESTATIONS OF HIV INFECTION IN MALE AND FEMALE CGD PATIENTS	132
Мухитдинова К.О. ПОКАЗАТЕЛИ МАРКЕРОВ ВОСПАЛЕНИЯ У ЖЕНЩИН С ПРИВЫЧНЫМ НЕВЫНАШИВАНИЕМ В АНАМНЕЗЕ	Mukhitdinova K.O. STUDYING INDICATORS OF INFLAMMATION MARKERS IN WOMEN WITH A HISTORY OF RECURRENT MARRIAGE	135
Насиров Т.К., Якубов Х.Х., Пириева Л.В. ФАКТОРЫ РИСКА И ПАТОМОРФОЛОГИЯ ПЕЧЕНИ ПРИ НАРКОТИЧЕСКОМ ОТРАВЛЕНИИ НА ФОНЕ АЛКОГОЛЬНОЙ ИНТОКСИКАЦИИ	Nasirov T.K., Yakubov X.X., Pirieva L.V. RISK FACTORS AND LIVER PATOMORPHOLOGY IN DRUG POISONING AGAINST ALCOHOL INTOXICATION	139
Рахматов А.А. СУРУНКАЛИ ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ В ФОНИДА РИВОЖЛАНГАН ЎТКИР ЎРТА ОТИТ БИ-ЛАН ЗАРАРЛАНГАН БОЛАЛАРДА ИММУН ТИЗИ-МИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	Ramatov A.A. FEATURES OF THE IMMUNE SYSTEM IN CHILDREN WITH ACUTE OTITIS MEDIA DEVELOPED AGAINST THE BACKGROUND OF CHRONIC VIRAL HEPATITIS B	142
Сабиров У.Ю., Тоиров Б.А., Лугай Е.В. СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА УРОВНЯ ПРОВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ЦИТОКИНОВ В СЫВОРОТКЕ КРОВИ ПРИ РАЗЛИЧНЫХ МЕТОДАХ ЛЕЧЕНИЯ УГРЕВОЙ БОЛЕЗНИ	Sabirov U.Yu., Ligay E.V., Toirov B.A. EVALUATION OF SERUM LEVELS OF PROINFLAMMATORY CYTOKINES IN DIFFERENT TREATMENT METHODS OF ACNE VULGARIS	145
Саломова Н.К. БЕМОЛЛАРДА ИНСУЛЬТДАН КЕЙ-ИН КУЗАТИЛАДИГАН СЕНСОМОТОР ВА КОГНИТИВ ФУНКЦИЯЛАРНИ АМБУЛАТОР БОСҚИЧДА ТИКЛАШ ДИНАМИКАСИ	Salomova N.K. DYNAMICS OF RECOVERY OF SENSORIMOTOR AND COGNITIVE FUNCTIONS IN PATIENTS AFTER STROKE AT THE OUTPATIENT STAGE	149
Салохиддинов Ж.С. АНАЛИЗ РЕЗУЛЬТАТОВ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ УЗЛОВЫХ ОБРАЗОВАНИЙ ЩИТОВИДНОЙ ЖЕЛЕЗЫ	Salokhiddinov J.S. ANALYSIS OF THE RESULTS OF SURGICAL TREATMENT OF THYROID NODULES	153
Таджибаев Ш.А., Собиров Э.К., Абдурашидов Ф.Ш. ЭНДОВИДЕОХИРУРГИЯ ОСТРОГО АППЕНДИЦИТА – ДВА В ОДНОМ!	Tadzhibaev Sh.A., Sobirov E.K., Abdurashidov F.Sh. ENDOVIDEOSURGERY FOR ACUTE APPENDICITIS – TWO IN ONE!	158
Хайдарова Л.О., Юлдашов П.А. ВЕНТРАЛ ЧУРРА ВА МОРБИД СЕМИЗЛИК БИЛАН БЕМОЛЛАРДА ГЕРНИО ВА АБДОМИНОПЛАСТИКАНИ АСОСЛАШ	Khaidarova L.O., Yuldashov P.A. RATIONALE FOR HERNIA AND ABDOMINOPLASTY IN PATIENTS WITH VENTRAL HERNIA AND MORBID OBESITY	163
Хасанов М.М., Абдуфаттаев У.А., Номанов А.А. ЭФФЕКТИВНОСТЬ МОДЕЛИ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ СУПРАВЕЗИКАЛЬНОЙ ОБСТРУКЦИИ У ПАЦИЕНТОВ С УРЕТЕРОЦЕЛЕ	Khasanov M.M., Abdufattaev U.A., Nomanov A.A. EFFECTIVENESS OF A MODEL TO ANTICIPATE SUPRAVESICAL OBSTRUCTION IN PATIENTS WITH URETEROCELE	168
Холова Д.Ш., Халимова З.Ю. РОЛЬ ФАКТОРОВ ПРОЛИФЕРАЦИИ В РАЗВИТИИ РЕЦИДИВИРУЮЩИХ НЕАКТИВНЫХ АДЕНОМ ГИПОФИЗА	Xolova D.Sh., Khalimova Z.Yu. ROLE OF PROLIFERATION FACTORS IN THE DEVELOPMENT OF RECURRENT INACTIVE PITUITARY ADENOMA	172
Хо'janazarov I.E., G'ofurov S.K., Suvonov O'X., Yugay A.V. SHANOQ – SON BO'G'IMI ENDOPROTEZIDAN KEYINGI BEMORLARNI REABILITASIYASIGA ZAMONAVIY NUQTAI NAZAR	Khudjanazarov I.E., Gofurov S.K., Suvonov U.K., Yugay A.V. MODERN VIEW ON REHABILITATION OF PATIENTS AFTER HIP JOINT ENDOPROSTHETICS	176
Эргашев Н.Ш., Отамуратов Ф.Ф., Атамуратов А.К. ДИАГНОСТИКА И ЛЕЧЕНИЕ РЕКТОУРЕТРАЛЬНЫХ СВИЩЕЙ У ДЕТЕЙ	Ergashev N.Sh., Otamuradov F.A., Atamuratov A.K. DIAGNOSIS AND TREATMENT OF RECTOURETHRAL FISTULA IN CHILDREN	179
Юлдашев М.Э. ХИРУРГИЧЕСКИЕ ОСЛОЖНЕНИЯ У ДЕТЕЙ С ВРОЖДЕННОЙ ДИАФРАГМАЛЬНОЙ ГРЫЖЕЙ	Yuldashev M.E. SURGICAL COMPLICATIONS IN CHILDREN WITH CONGENITAL DIAPHRAGMATIC HERNIA	183
<b>ГИГИЕНА, САНИТАРИЯ И ЭПИДЕМИОЛОГИЯ</b>		
Закирходжаев Ш.Я., Талибджанова М.Х., Муталов С.Б. ИЗУЧЕНИЕ ПИЩЕВОГО СТАТУСА ПАЦИЕНТОВ С ХРОНИЧЕСКИМИ ГЕПАТИТАМИ	Zakirkhodzhaev Sh.Ya., Talibdzhanova M.Kh., Mutalov S.B. EVALUATION OF THE NUTRITIONAL STATUS OF PATIENTS WITH CHRONIC LIVER DISEASES AND THEIR DIETARY CORRECTION	188

<i>Саломова Ф.И., Турабаева З.К., Қутлимуродов Ё.В. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА МУАССАСАЛАРИ РЕНТГЕН ХОНАЛАРИДА НУРЛАНИШ ДОЗАЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА НАЗОРАТ ҚИ-ЛИШ</i>	<i>Salomova F.I., Turabaeva Z.K., Qutlimurodov Yo.V. ASSESSMENT AND CONTROL OF RADIATION DOSES IN X-RAY ROOMS OF TREATMENT AND PREVENTION INSTITUTIONS OF KHORAZM REGION</i>	191
<i>Тўраев Б.Ш. БИРЛАМЧИ ТИББИЙ-САНИТАРИЯ ЁРДАМИ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЭРКАКЛАР РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ</i>	<i>Turayev B.Sh. SOME ASPECTS OF THE ACTIVITIES OF PRIMARY MEDICAL AND SANITARY CARE INSTITUTIONS AIMED AT MAINTAINING MALE REPRODUCTIVE HEALTH</i>	196
<b>ПОМОЩЬ ПРАКТИЧЕСКОМУ ВРАЧУ</b>	<b>HELPING A PRACTITIONER</b>	
<i>Джавадзаде В.Н. ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРЕПАРАТА КРОВЕН В КОМПЛЕКСНОМ ЛЕЧЕНИИ СУПЕРИНФЕКЦИИ ВИРУСОМ ГЕПАТИТА D У БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКИМ ВИРУСНЫМ ГЕПАТИТОМ В</i>	<i>Javadzadeh V.N. THE EFFICACY OF KROVEN IN THE COMPLEX TREATMENT OF SUPERINFECTION WITH D VIRAL HEPATITIS AT PATIENTS WITH CHRONIC B VIRAL HEPATITIS</i>	201
<i>Тураева Г.Н., Маджидова Е.Н., Абдусаттарова Г.Ш. СОМАТОФОРМНЫЕ ДИСФУНКЦИИ ВЕГЕТАТИВНОЙ НЕРВНОЙ СИСТЕМЫ: ОБМОРОКИ, ОБУСЛОВЛЕННЫЕ НАРУШЕНИЕМ СОСУДИСТОГО КОНТРОЛЯ</i>	<i>Turaeva G.N., Majidova E.N., Abdusattarova G.Sh. SOMATOFORM DYSFUNCTIONS OF THE AUTONOMIC NERVOUS SYSTEM: FAINTING DUE TO A VIOLATION OF VASCULAR CONTROL</i>	204
<i>Шокирова Ф.Ж., Абдуллаев У.П. КЛИНИЧЕСКИЙ СЛУЧАЙ АССОЦИАЦИИ ОБОСТРЕНИЯ ХРОНИЧЕСКОГО ГНОЙНОГО ПАНСИНОСИТА С НПВС-ГЕПАТОПАТИЕЙ</i>	<i>Shokirova F.Zh., Abdullaev U.P. CLINICAL CASE OF ASSOCIATION OF EXACERBATION OF CHRONIC PURULENT PANSINUSITIS WITH NSAID-HEPATOMY</i>	206
<i>Ярашев Т.Я. ОШИБКИ В ДИАГНОСТИКЕ ВРОЖДЕННОЙ ДИАФРАГМАЛЬНОЙ ГРЫЖИ ПИЩЕВОДНОГО ОТВЕРСТИЯ У ДЕТЕЙ</i>	<i>Yarashev T.Ya. ERRORS IN THE DIAGNOSIS OF CONGENITAL DIAPHRAGMATIC HIATAL HERNIA IN CHILDREN</i>	214

## АЁЛЛАР РЕПРОДУКТИВ АЪЗОЛАРИ ПОСТНАТАЛ МОРФОГЕНЗИ: МУАММОГА ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР

Куранбаева С.Б., Адилбекова Д.Б.

## ПОСТНАТАЛЬНЫЙ МОРФОГЕНЕЗ ЖЕНСКИХ РЕПРОДУКТИВНЫХ ОРГАНОВ: СОВРЕМЕННЫЙ ВЗГЛЯД НА ПРОБЛЕМУ

Куранбаева С.Б., Адилбекова Д.Б.

## POSTNATAL MORPHOGENESIS OF FEMALE REPRODUCTIVE ORGANS: A MODERN VIEW OF THE PROBLEM

Kuranbaeva S.B., Adilbekova D.B.

Тошкент тиббиёт академияси

*Изложены основные сведения о морфологии и гистофункциональных взаимоотношениях основных структур яичника и матки в различные периоды онтогенеза. Анализ данных научных исследований последних лет позволил сделать вывод об актуальности и необходимости комплексного подхода к изучению данной проблемы, разработке научно-обоснованных лечебно-профилактических и диагностических мероприятий, а также объективной оценки характера поражения, степени патоморфологических нарушений в органах женской репродуктивной системы.*

**Ключевые слова:** яичник, матка, морфология, онтогенез.

*Basic information about the morphology and histofunctional relationships of the main structures of the ovary and uterus in various periods of ontogenesis is presented. Analysis of scientific research data from recent years has led to the conclusion about the relevance and need for an integrated approach to the study of this problem, the development of scientifically based treatment, preventive and diagnostic measures, as well as an objective assessment of the nature of the lesion, the degree of pathomorphological disorders in the organs of the female reproductive system.*

**Key words:** ovary, uterus, morphology, ontogenesis.

Тухумдонлар патологиялари гинекологик касалликлар ичида муҳим ўринлардан бири эгаллайди. Тухумдонлар ўсма касалликлари гинекологик касалликлар бўйича 8-19% ташкил этади [6, 23]. Бепуштлиқ муаммолари эса нафақат тиббий, балки ижтимоий-демографик аҳамиятга ҳам эга муаммолардан ҳисобланади. Бепушт никоҳлар умумий жуфтликлар ичида 10-15% ташкил этади [12,18]. Эндокрин генезга эга бепуштлиқлар эса 35-40% ташкил этмоқда [17, 20, 22]. Адабиётлар таҳлили кўрсатмоқдаки, фолликула комплексининг тузилмавий метаболит шаклланиши ва ва овоцитнинг уруғланишга бўлган имконияти ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд, зеро тухум хужайра тақдири кўп жиҳатдан фолликуляр гистион ҳолатига боғлиқ бўлади [10,11].

Шунинг учун тухумдонлар турли патологияларда морфофизиологик ҳолатини объектив миқдорий баҳолаш, аъзонинг морфофункционал ҳолатини тавсифловчи асосий параметрлардан ҳисобланади.

Тухумдонлар жуфт аъзолар бўлиб, 2 та асосий вазифаларни бажаради: репродуктив, аёллар жинсий хужайралари ишлаб берувчи ва эндокрин, аёллар жинсий гормонларини ишлаб чиқарувчи. Боланинг янги туғилган вақтидан то жинсий етилишнинг бошланиш вақтигача тухумдонлар юзаси силлиқ, кейинчалик репродуктив даврига боғлиқ холда уларнинг юзаси нотекис, ғадир – будир шакли олади.

Кексалик вақтига келиб, тухумдонлар юзасидаги эгри- бугриликлар чуқур эгатлар кўринишини олади [8,14]. Ёш қизчаларнинг тухумдонларини жинсий етилишини бошланишида улар катта ўлчамларда бўлади: уларнинг узунлиги -3 дан 3,5 см гача, кенг-

лиги - 1, 5 см дан 2 см гача, қалинлиги – 1 см дан 1,5 см гача кўринишини олади. Тухумдон массасида-ги сезиларли фарқлар: янги туғилган чақалоқларда у 0,3–0,4 г бўлса, менархе давридаги қизчаларда эса унинг оғирлиги 13-20 мартага ортади. 20 ёшдан катталарда тухумдонларнинг оғирлиги ва ўлчамларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади: уларнинг узунлиги ўртача 4,0–4,5 – 2,0–2,5 см (кўндаланг ўлчамлари билан бирга 1,0–2,0 см), оғирлиги– 6,0–7,5 г га яқин кўрсаткичларга эга бўлади. Аёлларнинг бутун репродуктив даврида тухумдонлар 4,0–2,5–1,5 см ўлчамга эга бўлади. Кексалик ёшига келиб тухумдонларнинг ўз ишини бажариши бутунлай тўхтайдиган ва улар кичиклашиб, ўртача 2,0×1,0×0,5 см ни ташкил этса; массаси 1 дан 2 граммгача ўзгариб туради [4, 19].

Репродуктив ёшдаги аёллар тухумдонида ҳам макроскопик, ҳам микроскопик жиҳатдан мия ва пўстлоқ моддаси яхши ажралиб туради. Пўстлоқ моддаси нисбатан кам хужайралар сақловчи коллаген строма ва шишган фибробластларга ўхшаш бўлган, бир бирига нисбатан жуда яқин жойлашган, урчуқсимон шаклдаги хужайралар кўриниши- да тақдим этилади. Тухумдонларнинг мия моддаси юмшоқ бириктирувчи тўқима кўринишида намоён бўлади. Тухумдонларнинг асосий тузилмавий-функционал бирлиги – фолликулалар, пўстлоқ моддасининг ички зонасида жойлашади. Фолликулалар примордиал, бирламчи (бўшлиқ олди), иккилам-чи (бўшлиқли) ва учламчи: етилган, овуляция олди, граафовли турларига ажратилади [27]. Репродуктив даврда фолликулалар пўстлоқ моддасининг стро-



масида, примордиаллар четки қисмида, етилаётганлар эса – янада чуқурроқ зоналарда жойлашади. Жинсий етилган аёллар тухумдонининг пўстлоқ моддаси етилиш даражаси турлича бўлган кўп сонли сариқ таналарни ва инволюция бўлган сариқ таналар ўрнидаги чандиқчалар кўринишидаги оқ таначаларни сақлайди [11,12]. 20 ёшдан кейин тухумдонларнинг пўстлоқ моддасида коллаген толаларнинг ўчоқли ўсиб бориши қайд этилади, 30 ёшдан бошлаб, пўстлоқ моддасининг аста секинлик билан фиброз стромаси бошланади, компенсатор қон томир локусларини ҳосил бўлиши қайд этилади. 50-60 ёшга келиб, тухумдон юзаси йирик бўртиқларга тўлган ҳолда бўлади, оқсил қобиғи қалинлашади, строманинг склерози, фолликулаларнинг турли шакллари кам миқдори қайд этилади, фиброз ва оқ тана кўп сонли бўлиб боради, мия моддасида қон томирларининг турли даражада намоён бўлган склерози шаклланади ва унинг стромасида ўчоқли гиалинознинг ривожланиши билан бирга қалин толали бириктирувчи тўқимани устунлиги бошланади. Янада катта ёшга келиб, тўлиқ атрофия натижасида тухумдонлар ясси фиброз пластинкага айланади [9,14]. Маълумотларга кўра [12,15], туғилгандан кейин ва онтогенез даврида тухумдон ўсимталарида (эпоофронда) уларнинг мушак девори ва уларнинг бутун баландлиги бўйлаб қоплаган эпителийнинг қалинлигини камайиб бориши билан бирга каналчаларнинг нисбий майдони қисқариши юзага келади. Янги туғилган чақалоқларда эпоофрон кенглиги ўртача  $8,25 \pm 0,68$  мм, баландлиги  $- 7,0 \pm 0,83$  мм, кўндаланг ўлчами  $- 9,83 \pm 0,75$  мм ни ташкил этади. Репродуктив ёшдаги аёлларда эпоофрон ўлчамлари, янги туғилган чақалоқлар тухумдонининг ўлчамларидан 2 мартадан кўпроққа ортик бўлади. Фертил ёшдаги аёлларда эпоофрон ҳажми янги туғилган чақалоқларга нисбатан 4 мартага катта бўлади. Янги туғилган чақалоқларда тухумдон ва эпоофроннинг ҳажм нисбати 1,19 ни, репродуктив ёшдаги аёлларда эса  $- 20,88$  ни ташкил этади. Артерио- ва атеросклерозни ривожланишида ёшга боғлиқ бўлган ўзгаришларнинг роли энг кўп маълум бўлган ҳолатдир, чунки ёш катталашиб борган сари атеросклеротик шикастланиш майдонларининг ортиши юзага келади [3-5]. Онтогенез кечишининг бутун даври мобойнида тухумдонларнинг пўстлоқ ва мия моддасидаги қон томирларининг диаметри ортиб боради, бу эса уларнинг деворини қалинлаштириши ва тешигининг катталашishi билан бирга кузатилади. Гонадалар инволюциясининг асосий морфологик белгиси деб ҳисобланадиган артериялар гиалинозини, репродуктив ёшнинг ўзидаёқ қайд этиш мумкин. Ёш катталашиб борган сари склеротик ўзгаришлар ҳисобига тухумдонларнинг мия ва пўстлоқ моддасидаги қон томирлар диаметрининг нисбатини камайиши ва қон томирлар бўшлиқларини бўшаб қолиши, пўстлоқ қаватини қон билан таъминланишининг пасайиши, қалинлигининг камайиши юзага келади. [12,13,6,7,18,20] олиб борган ишларига мос ҳолда, бачадон артериясидаги ўзгаришлар нафақат ёшга, балки унинг бўшлиғи

диаметрига, эгри бугриликларига, архитектоникасидаги ўзгаришларга ва бачадоннинг функционал ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади. Кекса ёшда бачадон артерияси атрофияланади, кейинчалик эса унинг облитерацияси юзага келади, бачадоннинг қон таъминотини эса анастомозларни ҳосил қилиш орқали тухумдон артериясининг тармоқлари ўз зиммасига олади. Веноз қон томирлари кенгаяди, янада эгри – бугри бўлиб қолади. Янги туғилган чақалоқ қиз болаларда, уларнинг эрта ва ўсмирлик ёшида, шунингдек, жинсий етилишнинг бошланғич даврида улардаги тухумдон юзалари силлиқ ҳолда бўлади. Репродуктив даврда тухумдонлар юзаси нотекс ҳолатга келади. Кекса ёшда тухумдонининг юзасидаги эгри бугриликлар чуқур эгатларга айланиб боради.

Т.Г. Боровая нинг ҳисоблашича, тухумдон стромаси амалий жиҳатдан ягона ҳужайра элементи, юмшоқ бириктирувчи тўқиманинг энг “оддий варианты” ни ташкил этади ва унинг пўстлоқ ва мия моддаси фибробластлар ва фиброцитлар бўлиб ҳисобланади [4]. Бундан ташқари, мия моддасида силлиқ мушак ва семиз ҳужайралари ҳамда лейкоцитларнинг турли шакллари баъзи миқдори мавжуд бўлади. Тухумдонлар стромасидаги стероид ҳосил қилувчи ҳужайралари ўз фаолиятини яқунлаган атретик фолликулалар қолдиқларидан ташкил топади; атретик фолликуладан фақат гиалинозланган базал мембрана қолган босқичларда, унинг ёнида стромада алоҳида стероид ҳосил қилувчи ҳужайралар ва уларга таъълуқли бўлган фолликулалар сақланиб қолади. Тухумдонлар мия қисмида силлиқ мушак ва семиз ҳужайралари, ҳамда лейкоцитларнинг турли шакллари баъзи миқдори мавжуд бўлади. Бошқа тадқиқотчилар берган маълумотларга кўра, одам тухумдонининг стромаси икки типдаги ҳужайралардан: 1) турли миқдордаги коллагенли, толаларнинг зич тўрида жойлашган, фибробластларга ўхшаш, жуда оз миқдордаги цитоплазмали, урчқсимон; 2) стероидларни ҳосил қилувчи ҳужайраларга хос бўлган, эозинофил цитоплазмали, полигонал ҳужайралардан иборат бўлади [12]. Тухумдонлар стромаси гормонал ўзгаришларга боғлиқдир. Инсон тухумдонлари пўстлоғининг юза қатламини кам даражадаги васкуляризацияси ва архитектоникасининг ўзига хосликлари, бу ерда тинч ҳолатдаги фолликулаларнинг келгусида ривожланиши учун шароит яратиш ҳолатига эга эмас.

Орган ва тўқималар гоомеостазини қўллаб қувватлашдаги микроциркулятор оқим катта рол ўйнайди. Ушбу жараёндаги асосий ўрин шубҳасиз орган ва тўқималарга озуқавий моддаларни етказиб берувчи ва улардаги метаболитларни олиб кетувчи, қон томир тизимининг ўта муҳим вазифасини бажарувчи – капиллярларга алоҳида ўрин ажратилади.

[9,10,18] Одам ва турли ҳайвонлардаги тухумдон капиллярлари тузилмасининг шубҳасиз бир хилда бўлиши ҳайз циклининг турли фазаларида каламушлар тухумдонидидаги капиллярлар оқимини тавсифлаш учун фойдаланиладиган, капиллярларнинг гистокимёвий белгиларини турга оид фарқлари бирга кузатилади. Қон томирлар оқими тузи-

лишнинг қуйидаги циклига эга: ўсиб бораётган ва етилган фолликулалар капиллярларнинг бир қаватли тўридан иборат бўлган “саватча” билан ўралган; фолликулалар олди қон томир тўрининг зичлиги фолликулалар диаметрининг ортиб бориши билан катталашиб боради. Сут эмизувчилар тухумдонидagi микроциркулятор оқимнинг ангиоархитектоникасидаги капиллярлар гистокимёвий белгиларнинг турлар бўйича фарқларига эга бўлади. Капиллярлар диаметри ва ферментларнинг энг юқори белгили фаоллиги инсонлар тухумдонларида, ферментларнинг энг паст фаоллиги эса мушуклар ва каламушларда аниқланди. Тухумдонларда аёллар ўттиз ёшга кирганининг ўзидаёқ тухумдонларнинг пўстлоқ қаватида қон томирларининг компенсатор локусларини пайдо бўлишини аниқланди [10,12]. Тухумдонидa фиброз, оқсил қаватининг қалинлашиши, склероз, мия қатламида унча кўп сонда бўлмаган фолликулалар мавжуд бўлади.

Замонавий тассавурларга кўра, кексайиб бораётган гонаданинг асосий морфологик белгиси – артериялар гиалинози бўлиб, у нафақат менопаузал ёшдаги аёлларнинг тухумдонларида, балки ановулятор ҳолатидаги репродуктив ёшдаги аёлларда, сурнкали аднекситда ҳам кузатилади. Бунда веналар компенсатор кенгайди, веноз қон томирлар гиалинози амалий жиҳатдан учрамайди. Аёллар жинсий тизимининг асосий таркибий қисми бўлиб, бачадон, бачадон найлари ва тухумдонлар ҳисобланиб, уларнинг ёшга боғлиқ бўлган қайта қурилишида уларни озуқавий моддалар билан таъминловчи артериал томирлардаги ўзгаришлар сезиларли рол ўйнайди. Туғилиш вақтига келиб, янги туғилган чақалоқларда бачадоннинг узунлиги 38 мм гача етади, кейинчалик эса эстероген гормонлар даражасини пасайиши ҳисобига бир неча марта камаяди. Туғилган вақтидан бошлаб, ҳаётининг биринчи йилигача бачадон танаси деворини ва миоцитлар ўлчамларини аста секин пасайиб бориши билан бирга, асосий модда эгаллаган майдон қисқаради, толали тузилмаларнинг нисбий миқдори ортади. 4– 7 ёш ва ундан кейин 12-15 ёшда бачадон девори қалинлашади, асосий модда эгаллаган майдон ортади, толали тузилмаларнинг нисбий миқдори камаяди. Катта ёшли аёлларда бачадон узунлиги ўртача 7–8 см, кенглиги – 4 см, қалинлиги – 2–3 см га яқинни ташкил этади. Туғмаган аёллар бачадонининг оғирлиги 40 дан 50 граммгача ўзгариб туради, туққан аёлларда эса 80–90 граммгача ортади. Бачадон бўшлиғининг хажми 4–6 см<sup>3</sup> ни ташкил этади . 48–55 ёшга бориб бачадон танасининг девори камайиб боради, биринчи зонада эластик толалар миқдори ортади; шунингдек иккинчи, учинчи ва тўртинчи зоналарда коллаген ва эластик толалар миқдори ортади; бешинчи зонада – фақат коллаген ва олтинчи зонада – ретикуляр толалар миқдори ортиб боради. 75–90 ёшда бачадонда кексалик атрофияси юзага келади, у асосий модда билан банд бўлган майдоннинг камайиши (2,5%гача), миометрия стромасининг барча зоналарида коллаген толалар миқдорини камайиши (29,4%гача) кузатилади [9, 20]. Жинсий етилиш

ёшига етмаган қизалоқларда бачадон бўйни конус шаклига эга бўлади, худди шундай шаклни инфантил аёлларда ҳам кузатиш мумкин. Туғруқ ёшидаги аёлларда бачадон бўйнининг шакли одатда цилиндрсимон, унинг найлари урчуқсимон шаклда бўлиб, ташқи қиррасидан бўйин олдигача бўлган қисми 4 смни ташкил этади, ташқи қирра думалоқ ёки кўндаланг ёриқ кўринишида бўлади. Репродуктив ёшдаги аёлларда бачадон бўйни яллиғланишидан бу жараёнларнинг асосий фарқи, эпителий ости қатлами томирларини енгил шикастланиши билан бирга шиллиқ қаватни нотекис камайиб бориши, гиперемия ва шишларнинг мавжуд бўлмаслиги ҳисобланади [1,14,15].

[6, 20] лар томонидан олиб борилган тадқиқотларда бачадон танаси ва бўйни даражасида кўён ва каламушлар бачадонининг гистологик тузилиши аниқлаштирилди. Аниқландики, ўнг ва чап бачадон найлари тана ва бўйинга иккиламчи шохни ҳосил қилиб, бирга ўсади, аммо уларнинг бўшлиқлари юққа тўсиқ билан тўсилган ҳолда бир бирига алоҳида бирикади ва қинга 2та алоҳида тешиклар билан очилади. Каламушларнинг бачадон бўйни одамниқига кўп жиҳатдан ўхшайди, бу эса илмий – тадқиқот ишларини ўтказишда тажриба моделини излашда ҳисобга олиниши лозим.

#### Хулосалар

Тақдим этилган адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, постнатал онтогенезда аёллар гонадаси ривожланишининг қонуниятларини ўрганиш нафақат назарий, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эга, чунки тухумдонларнинг турли патологиясидаги жарроҳлик аралашувлар хажмини танлаб олиш замонавий генекология жарроҳлигининг ўта долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Тухумдонлар патологиясини ўрганиш асосан тухумдонлар клиник кўриниши тавсифи, жарроҳлик амалиётидаги баёни, лаборатор тадқиқот натижаларини ўрганишларнинг ичига олган, бироқ тухумдонларнинг морфологик ва гистофункционал тавсифи кўрсаткичлари билан ўзаро алоқасининг таҳлили қилинмаган. Аёллар тухумдонларидаги меъёрдаги морфологияси ва гистоэнзимологиясини ўрганишларнинг заифлиги, патологияларда тухумдонларнинг морфофункционал ўзгаришларини мос ҳолда баҳолашга ва жарроҳлик аралашувининг меъёрий хажмини танлаб олишга имкон бермайди.

Шундай қилиб, турли ёш даврларида аёлларнинг жинсий тизим аъзоларини ўрганишга бағишланган илмий ишларни кўплигига қарамасдан, бачадон, тухумдонлар ва бачадон найларининг миқдорий морфологик тузилмаси масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Чоп этилган ишларда эзо ва тўқималарни микроморфологик морфометрик кўрсаткичлари етарлича ўрганилмаган, булар эса ушбу йўналишда илмий ишларни олиб боришнинг долзарблигини белгилайди. Сут эмизувчилар ва инсонлардаги репродуктив тизимнинг қон томир-тўқима морфологиясига бағишланган илмий адабиётлар таҳлили кўрсатдики, ушбу йўналишдаги морфологик ўзгаришлар тўғрисидаги кўплаб ма-

---

салалар ханузгача етарли даражада ўрганилмаган, мавжуд бўлган маълумотлар фрагмент тавсифига эга ва аксарият масалалар бир бирига қарама қарши, баҳс-мунозарали ва етарлича ўрганилмаган.

**Адабиётлар билан таҳририятда танишишингиз мумкин**

**АЁЛЛАР РЕПРОДУКТИВ АЪЗОЛАРИ ПОСТНАТАЛ МОРФОГЕНЗИ: МУАММОГА ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР**

Қуранбаева С.Б., Адилбекова Д.Б.

*Онтогенезнинг турли даврларида тухумдон ва бачадоннинг асосий тузилмаларининг морфологи-*

*яси ва гистофункционал алоқалари ҳақида асосий маълумотлар келтирилган. Сўнгги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар маълумотларини таҳлил қилиш ушбу муаммони ўрганишга комплекс ёндашувнинг долзарблиги ва зарурлиги, илмий асосланган терапевтик, профилактика ва диагностика тадбирларини ишлаб чиқиш, шунингдек, зарарланиш даражасини аёлларнинг репродуктив тизими органларида патоморфологик касалликлар даражасини объектив баҳолаш тўғрисида хулоса қилишга имкон берди.*

**Калит сўзлар:** тухумдон, бачадон, морфология, онтогенез.

